



## Навоийга эҳтиром

44 -Umumiy o'rtta ta'lim maktabi ona tili fani o'qituvchisi

**Nargiza G'oziyeva**

“Агар бу улуғ зотни авлиё десак, у авлиёларнинг авлиёси, мутафаккир десак, мутафаккирларнинг мутафаккири, шоир десак, шоирлар султонидир”.

Ислом Каримов.

"Юксак маънавият - енгилмас куч".

Алишер Навоий ўзбек халқи маънавий дунёсининг шаклланишига ғоят кучли таъсир кўрсатган буюк зотдир.

Орадан қарийб беш юз йилдан ортиқроқ вақт ўтган бўлсада Навоий ҳазратлари ўзбек халқининг фаҳри, тилимизнинг асосчиси, улкан маънавиятимизнинг гултожи, шеърият мулкининг султони бўлиб эътироф этиб келинмоқда.

Навоий ижоди гўё бир уммон кабидир. Ирмоқлар уммондан баҳра олиб яшнагани каби, Навоий ижодини ўрганиш, асарларини таҳлил қилиш бугунги кун ёшларини ҳар жиҳатдан етук ва баркамол этиб тарбиялашда, уларнинг маънавий дунёсини шакллантиришда дастурил-амал бўлиб ҳизмат қилади. Уларни бурч, маъсулит, ватанга муҳаббат, ота-онага ҳурмат руҳида тарбиялашди, ёшлар онгига миллий ғурурни сингдиришда ёрдам беради.

Навоий асарларининг умрбоқийлигининг сири ҳам асарларида илгари сурилган умумбашарий ғоялар, ахлоқийлик, комиллик ва инсонпарварликдир.

Бобокалонимиз ҳар бир асарларида инсонийликнинг маъсулияти ва шарафи ҳақида сўз юритади. Ёшларни илм олишга, илмли бўлишга ундайди. Намунали жамият қуришда, унинг ривожидида ҳар жиҳатдан етук ахлоқли ва илм-маърифатли ёшларнинг ўрни беқиёслигини таъкидлайди. Айниқса, ота-онага бўлган ҳурмат-эҳтиромни инсон одобини белгиловчи юксак фазилат деб билади.

Иста ато йўлида фидо жон қилмоқ,

Куллуқ аноға ҳам улча имкон қилмоқ,

Зухди абад истасанг фаровон қилмоқ,

Бил они ато-аноға эҳсон қилмоқ.

Дарҳақиқат ота-онага ҳурмат кўрсатиш, уларни тириклигида кадрлаш комиллик белгисидир.

Фарзанд ато қилуғин чу одат қилғай,

Ул одат ила касби саодат қилғай,

Ҳар кимки отоға кўп риоят қилғай,

Ўғлидин анга бу иш сироят қилғай.

Навоийнинг таъкидлашича отанинг ҳизматини қилган, унга ғамхўрлик ва меҳрибонлик қилган фарзанд саодатманддир. Унинг отасига қилган яхшиликлари ўзига ҳам фарзандларидан қайтади. Аксинча бўлсаотани кадрламаса, фарзандлик бурчини бажармаса барча қилганлари ўзига ҳам қайтади.



Биз устозлар ёшларимиз онгу-шуурига ҳазрат Навоий асарларини, улардаги илгари сурилган ғояларни нечоғлик кўп сингдирсак, улуғ бобомиз ижодларига муҳаббат ва ҳавас уйғота олесак, улар албатта теран фикрли, ҳар томонлама етук ва баркамол инсонлар бўлишлари шубҳасиз.

Наргиза Ғозиева

Балиқчи педагогика коллежи ўқитувчиси

